

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2022-yil 25-avgust, payshanba

№ 32 (9196)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

“Буюк ипак йўли” МАЖМУАСИ – ЎЗБЕКISTONNING ДУНЁГА КЕНГ ОЧИЛАЁТГАН ДАРВОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг очилиш маросимида иштирок этиш учун 23 август куни Самарқандга келди.

Марказдан ўрин олган “Боқий шаҳар” мажмуаси ҳовлисида самарқандлик нурунийлар, зиёлилар билан самимий суҳбат бўлди. Ушбу иншоотлар хайр-баракали бўлишини, бундай яхшиликлар кўпайишини тилаб, дуо қилинди.

Шундан сўнг “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказининг тантанали очилиш маросими бўлди.

Унда давлатимиз раҳбари нутқ сўзлаб, барчани ушбу қувончли воқеа билан табриклади. – Халқимизнинг ақл-заковати ва фидокорона меҳнати билан бунёд этилган ушбу мажмуа Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги яна бир салмоқли, зафарли натижа бўлди. Қадимий ва навқирон Самарқанд бағрида қад рўстлаган мана шундай замонавий, улуғвор меъморий мажмуа барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин, буюрсин, – деди Шавкат Мирзиёев.

Самарқанд – миллий давлатчилигимизга асос бўлган, тарихимиздаги иккала Ренессанс даврида ҳам муҳим ўрин тутган шаҳар. Шу боис сайёҳлар бу ерга асосан қадимий обидаларни кўриш ва табаррук жойларни зиёрат қилиш учун келар эди. Туризмнинг бошқа йўналишлари учун замонавий мажмуалар йўқ эди.

2019 йилда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан катта амбицияли лойиҳа бошланди – Самарқанд туманидаги эшак ашиш канали бўйида, 212 гектар майдонда улкан мажмуа қуришга киришилди. Аввало, тажрибали меъмор ва муҳандислардан иборат халқаро жамоа жалб этилиб, пухта лойиҳа ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу ерга бир неча марта келиб, қурилишни миллий меъморчилик анъаналаримиз ва одамларга қулайлик жиҳатидан такомиллаштириш бўйича тавсиялар берди. Бунёдкорлик ишларида малакали қурувчиларимиз билан бирга Туркия, Буюк Британия, Италия каби давлатларнинг етуқ мутахассислари иштирок этди.

Шу тариқа қисқа вақтда, пандемиядаги қийинчиликларга қарамай, ушбу улкан мажмуа қуриб битказилди.

Бу кўп тармоқли марказ таркибидан 8 та замонавий меҳмонхона, Конгресс холл, “Боқий шаҳар” мажмуаси, амфитеатр ва кўпплаб бошқа иншоотлар бор. У йилга 2 миллион туристга хизмат кўрсатиши мумкин.

– Бу улкан марказ буюк аждодларимиз бунёд этган мухташам меъморий обидаларга муносиб бўлиб, уларнинг тарихий анъаналарини давом эттиради. Ушбу мажмуа мамлакатимизда ҳозирги пайтда пойдевори қурилиши бошланган Учинчи Ренессанс ва олдинги тарихий даврлар ўртасидаги рамзий кўприк бўлади, деди ишонанам, – деди Президент.

Марказ “Буюк ипак йўли” деб номланганида чуқур маъно бор. Бу ерда ўша даврга оид тарихий манзаралар акс эттирилган. Масалан, “Боқий шаҳар” мажмуаси безакларида қадимий Африка деворларида сақланиб қолган Сўғд давлати ҳукмдорининг Корей, Хитой, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар элчиларини қабул қилиш маросими

тасвирларидан фойдаланилган. Бу ерда қадимий бозор, мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос 40 та хунармандчилик устaxonаси ташкил этилган. Унда усталар ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, заргарлик, гилам тўқиш каби жараёнларини сайёҳларга намоиш этади.

Бу мамлакатимизда сайёҳлик индустриясини ривожлантириш борасидаги улкан ишларнинг бир қисми. Янги туризм маркази келгуси йилларда Самарқандга келадиган хорижий сайёҳлар сонини 1,5 миллиондан оширишда муҳим ўрин тутди. Умуман олганда, келгуси беш йилда мамлакатимизга келадиган сайёҳлар сонини ҳозирги 2 миллиондан 9 миллионга етказиш мақсад қилинган. Энг муҳими, туризм соҳасида меҳнат қилаётганлар 500 минг нафардан ошади.

Шунингдек, мажмуадаги замонавий меҳмонхоналар ва Конгресс холл йирик анжуманлар ўтказиш учун ҳам шароит яратди. Яқинда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти саммити, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари учрашуви каби нуфузли халқаро тадбирлар шу ерда бўлиб ўтди. Келгуси йилда эса қадимий шаҳримизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки бошқарув Кенгашининг йиллик йиғилиши ва Жаҳон туризм ташкилотининг Бош ассамблеяси ҳам ўтказилади.

“Боқий шаҳар достони” мусикали ҳикояси янги марказнинг образли ифодаси бўлди. Мирзо Улуғбек расадхонасидан андоза олиб яратилган амфитеатр сахнасининг ўзига хос декорацияси ва замонавий техник имкониятлари мусикали композициянинг нафақат куй-қўшиқ ва рақслар, балки ранг ва тасвир, турли чироқлар ёғдуси орқали тўлақонли ифодашга хизмат қилди.

Мазкур мусикали композиция кичик бир усталар қишлоғида дунёга келган йиғитнинг ҳикоясига асосланган. Қизиқарли саёҳатлар ҳақидаги китоблардан илҳомланган йиғит узоқ сафарга отланиб, йўл давомида биллимларини бойитиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга турли синовларни энгиб ўтади. Узоқ йўлни босиб ўтган йиғит ажойиб масканга қадам қўяди ва бу ерда қачонлардир тушида кўрган қизни учратади. У билан турмуш қуради ва яна ўз юртига қайтиб, ижод қадр-қиммати ҳақиқатини англайди. Қум, юлдузлар, шамол ва сувдан орзулар шаҳри, яъни Боқий шаҳарни бунёд этади.

Халқимиз ва дунё санъати йўғунлашган мазкур мусикали ҳикояни яратишда юртимизнинг таниқли санъаткорлари ва бадий жамоалари билан бирга хорижлик ижодкорлар ҳам иштирок этди.

Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами арафасида Самарқанднинг “Буюк ипак йўли” мажмуасидан таралган наволар ва ёғдулар олис-олисларга етиб, мамлакатимизда катта байрам тантаналари бошланаётганидан садо берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Ғолиб ҲАСАНОВ, Ўза мухбирлари.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

РИШТОН – ТУРИЗМ ЎЧОҚЛАРИДАН БИРИГА АЙЛанаДИ

Бундан етти йил аввал Ҳиндистонга юрагимда микро жарроҳлик операциясини ўтказгани бордим. Энг оғир паллада, яъни наркоздан энди чиққан пайтда Худого нола қилганман: Яратган эгам, юртимга эсон-омон етиб боришни nasib этгин! Бу гапни неча марта қайтардим, билмайман. Оҳ, онажон юртим, ота маконим, жоним сенга бўлсин фидо, тупроғингда жон берсам армоним йўқ...



ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК

Нарпай туманида жорий йил пахта йиғим-терими мавсумида иштирок этадиган пахта териш машиналари ва бошқа пахтани ташиш техникалари тайёргарлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан янги, юқори унумли пахта териш техникаларини харид қилиш бўйича тузилган шартномалар бажарилишини ўрганиш бўйича республика ишчи гуруҳи томонидан кўргазмали ўқув семинар ўтказилди.

Унда Бош прокурор ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Ш.Аминов ва бошқалар сўзга чиқиб, пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган ташкилий-техник тадбирлар, мавсум давомида назорат қилувчи идоралар, қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари зиммасидаги вазифаларга алоҳида тўхталди. Ўқув семинарда Нарпай туманидаги “Мароқанд сифат” МЧЖ шаклидаги пахтачилик кластери томонидан 2022 йилда



етиштирилган пахта ҳосилини неснобуд қилмасдан, тез кунларда йиғиб-териб олиш бўйича техникаларни мавсумий кўриқдан ўтказиш бўйича амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Пахта ҳосилини ўз вақтида ва оптимал муддатларда йиғиштириб олиш мақсадида пахта териш машиналари, трактор ва тиркамаларининг техник ҳолати, механизатор ва теримчиларга яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Ҳозирги вақтда пахта териш машиналари мавсумга

шай. Транспорт техникалари ва тиркамаларнинг техник ҳолати кунлик мониторинг тарзида ўрганилиб, ечимни қутаётган масалалар ўз вақтида ва сифатли бартараф этилмоқда. Шунингдек, кластер корхоналари га қарашли пахта қабул қилиш масканларининг мавсумга тайёргарлиги юзасидан ҳам мониторинг тадбирлари ўтказилмоқда.

Абдували ХУДОЁРОВ, “Ўзагроинспекция”нинг Самарқанд вилояти бошқармаси матбуот хизмати раҳбари.

ЎЗБЕКISTON ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШДА

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла Тажиев раҳбарлигидаги юртимиз делегацияси АҚШда бўлиб турибди.

Республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари раҳбарларидан иборат делегация ташрифидан кўзланган асосий мақсад қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда тажриба алмашиш, АҚШнинг ушбу йўналишдаги илғор ютуқларини ўрганишдир.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида шу йили 28 июнь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида илмга асосланган уруғчилик ва агротехнологиялар ҳисобига пахта ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ҳамда пахтани чуқур қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари экспортини кўпайтириш юзасидан вазифалар белгилаб берилган эди. Бу борада хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, чет эллик мутахассислар билан мустақам ҳамкорлик алоқаларинини йўлга қўйиш зарурлиги айтиб ўтилганди.

Саъдулла Тажиевнинг айтишича, пахта-тўқимачилик кластерларининг АҚШ сафари давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ушбу вазифалар ижроси доирасида ташкил этилди. Делегация таркибидан “Paxtachi klaster” МЧЖ, “Amina Gold Invest” МЧЖ, “DENOV TEKSTIL KLASTER” МЧЖ, “Buxoro Agroklastar” МЧЖ, “Fergana global textile” МЧЖ, “Mirishkor tekstil group klaster” МЧЖ сингари ўндан ортиқ йирик пахта-тўқимачилик кластерлари бор.

– Олдимизда пахта толасини чуқур қайта ишлаб, экспорт ҳажминини 2 бараварга кўпайтириш вазифаси турибди, – деди Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Саъдулла Тажиев. – Ушбу натижага эришиш учун, давлатимиз раҳбари айтганидек, 50 та хорижий брендларни юртимизга олиб келиш лозим. Қолаверса, инвестициявий лойиҳалар ижросини жадаллаштириб, замонавий қувватларни белгиланган муддатларга фойдаланишга топшириш талаб этилади.

Делегациямиз АҚШнинг Миссисипи штатида бўлиб, пахта етиштириш уни саноат йўли билан чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнлари билан яқиндан танишмоқдалар.

Ўзбекистон делегацияси дастлаб АҚШ фермер хўжаликларидан бўлиб, гўза парвартириш, экинга ишлов бериш ва мўл ҳосил етиштириш борасидаги фаолияти билан танишди.

Ўзбекистон делегацияси АҚШ сафари давом этмоқда.

Молия муассасаларида

QISHLOQQURILISHBANK

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ УЧ ЙўНАЛИШДА АЖРАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Аҳолини уй-жойлар билан таъминлашга доир ислохотлар ва унда АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” иштироки” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Банк бошқаруви раҳбарияти, банкнинг тегишли таркибий тузилмалари масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг айтиш соҳага оид фармон ва қарорлари ижроси бўйича АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан амалга ошириладиган саъй-ҳаракатлар ва уларнинг амалий натижалари ҳақида ахборот берилди.



"Соҳиби Ҳидоя" мажмуасини ободонлаштириш лойиҳаси тасдиқланди

РИШТОН – ТУРИЗМ ҲОҚЛАРИДАН БИРИГА АЙЛНАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Учқоқда Тошкентга эсон-омон тушиб, уйга равона бўлди. О, Оқтов довоининг салқин, енгил ҳаволари... Гапнинг очиги, дунёнинг бир неча давлатида бўлганману, бироқ ўз юртимнинг ҳавосидек ҳавони, ёқимли, мусаллоҳ маъвои сезмаганман. Ўзбекистон ҳавоси Ҳиндистондай катта худудли мамлакатда йўқ ва бўлмади ҳам. Ушандай юртларда яшаётганлар ҳам ўз диёрларини худди бизлардек севади, ардоқлайди. Бу табиий албатта. Турли танли, турли динларга мансуб, аммо тиллари, диллари бир инсонларни кўриб хайратланганман. Мана орадан қанча йил ўтди, у оғир кунлар унутилди ҳам. Лекин ҳалиги айтганимдек, бу азиз Ватан – Ўзбекистон ўзимники ва мен унга бегона бўлолмайман. Мен ҳеч муболағасиз ўз онамни, оқ сўт бериб катта қилган онамни севгандек севаман, ич-ичимдан яхши кўраман...

Риштон тумани ҳокимлиги маданият бўлимининг янги таъмирдан чиқарилган муҳташам залига катта-кичик ижодкорлар, зиёлилар тўплана бошлади. Бу ерда "Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" мавзусида Мустақиллигимизнинг 31 йиллигига бағишлаб тадбир ўтказиш режалаштирилган. Риштон қадимдан кулоллар макони бўлиб, маданият ҳам ана шу хунар орқали шаклланиб, ривож топган. Чин маънода кулолчилик мактаблари, дорил-фунунларини яратган устозлар яшайди бу ерда. Айна пайтда туманда 80 мингдан ортиқ ёшлар кулолчилик хунарини эъзозлаб меҳнат қилмоқда. Италия, Туркия, Япония кулоллари билан ҳамкорлик ришталари боғланмоқда, у юртлар билан тажриба алмашиш йўлга қўйилмоқда. Туман ҳокими ўзи бош бўлиб Туркия, Италия ва Японияга ёш-кулолларнинг бир нечасини олиб борди. Булиб ўтган қизгин мулоқотлар,



баҳс-мунозаралар натижасида ўша юртлар кулоллари билан тажрибалар алмашишди, турдош кулолчилик маҳсулотлари билан савдо қиладиган дўжонлар очиш йўлида хоҳиш ва истаклар муштараклиги ўз самарасини берди. Бу ишлар ўзаро ҳамкорликнинг юқори чўққисига кўтарилганидан дарак бериб турибди. Бундан анча йил бунун республикада бўлиб ўтган тадбиркорлар ва хунармандлар танловида "Спарк" автомобили билан тақдирланган таниқли кулол Алишер Назиров Япониянинг Камацу шаҳрида бир неча ой яшаб, япон кулоллари билан тажриба алмашиш орқали уларнинг меҳрини қозонган эди. Бирмунча вақт ўтиб шу шаҳардан пенсияга чиққан эр-хотин Риштонга келишди.

ган алифбони ўзлаштиришда, япон тилида сўзлашишда ҳайрон қоларли натижани кўрсатдилар. Қўшни туманлардан ҳам бу ерга келиб тил ўрганишлар кўп бўлди. Шундан кейин японлар раҳнамолигида Риштон ҳокимлиги ажратиб берган ерга муҳташам япон тили мактаби биносини қурилди...

Мана ҳозир ҳам Алишер Назиров Японияга кулол дўстлари таклифи билан кетган, унинг укаси, ўғли ҳам Японияда яшаётган ва ишлаётган эди. Алишерда бошқа лойиҳалар пайдо бўлибди, уни амалга ошириш учун ғайрат қиладигани, маҳаллий хунармандчилигимизга япон усулини олиб кираётганига юқори баҳо бермай илҳомингиз йўқ.

Туманда 5 та кичик саноат

сўмгача. Бу кластер Россия ва АҚШга 5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилмоқда. Шу ерда меҳнат қиладиган 27 ёшли Таваккал Усмоналиевга кластер ойига минг АҚШ долларидан ҳақ тўлаётди. Чунки унинг ясаган совғабоп кўзаларини бошқалар ясай олмайдди. Ноёб истеъдоди бор. Ўйлаймизки, у ёнига кўп шогирдлар олиб кўзагарлик санъатини ўргатади.

Маданият ва истироҳат боғида "Гномик-фемиле" ресторани очилди. Буни миграция азобини тортганлар очибди. Ана шундай, Москвадаги ресторанда шу ердан борган йигитлар ишлаган экан. Энди шу ерда миграцияга қарши туриб шунақа ресторан очибди. Сифатли хизмат кўрсатаётгани



учун анча гавжумлашиб қолди. Ошпазлик қилишгапти. Улар ўша ерда топган даромадларини шу ерда ишлаб топишгапти.

Бу йил Мустақиллик байрами арафасида туманда 2 та болалар боғчаси, 5 та фуқаролар йиғини биноси, 2 та ҚВП, 1 хусусий клиника, "Шокир мингбоши оилавий корхонаси" қошида кулолчилик музейи каби янги бинолар очилиб, ишга туширилмоқда. Вилоятда экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми Риштон ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам бу юрт ёшларининг ғайрату шижоати ошганидан дарак беради.

Бундан 6-8 йил илгари меҳмонга келган одам бугун Риштонга келса, ҳайратини яшира олмаслиги аниқ. Одамлар тилидан бу гўзал диёрнинг таровати, чиройи тушмайди. Риштонни қайта қуриш бошланганидан бери миллиардлаб маблағ сарфланди.

– Ҳали олдинда яна кўплаб бунёдкорлик ишлари турибди, – дейди туман ҳокими Суфронжон Солиев. – Риштонда тўғрилиб ўсган ҳамюртимиз, улуғ аллома, фикҳ илмининг султони

Бурҳониддин ар-Риштоний ал-Марғиноний ҳазратларининг илм ёғдуси, заковат машъаласи каби таралиб турибди. Ул зотнинг қадамжолари, зиёратгоҳлари бўлган "Соҳиби Ҳидоя" мажмуасини ободонлаштириш лойиҳаси тасдиқланди. Бу лойиҳа Самарқанддаги Имом Ал Бухорий мажмуасига ўхшаш бўлади. Бу лойиҳа маблағининг асосий қисмини Туркиянинг "Тика" корхонаси ўз зиммасига олди. Бироқ унга вилоят маҳаллий бюджетидан ҳам маблағ ажратилиши режалаштирилди.

Риштон яқин орада дунёнинг танилган туризм марказларидан бирига айланади. Бунинг учун бизда тўла асос яратилаёттир. Риштон ва унинг атроф қишлоқларига хунармандлар уй-музейлари қурилиши бошланапти, уй-меҳмонхоналари очиш лойиҳалари яратилган...

Туманда пахта-текстил кластери ёрдамида 1000 ишчи меҳнат қиладиган замонавий тўкув

ва тикув фабрикалари қурилмоқда. Бу ҳам Мустақиллигимиз шарофатидан эмасми?!

Мустақилликдан олдинги даврни кўз олдимизга келтирайлик. Туманда 1969 йилда муҳиш қотиллик рўй берганда бу ҳақда туман ИИБга вақтида хабар етказилишига қарамай зудлик билан етиб бориш учун қолхоздан олинган ва автобазадан олинган навбатчи машиналардан фойдаланилган. Ҳозирчи? Керак бўлса авиациядан фойдаланилади. Жиноятчини ушлаш учун вертолётдан, ҳатто одамсиз учар жисмлардан фойдаланилмоқда. Қандай бўлмасин халқ осойишталигини бузган жиноятчи тутиб келинади...

Қудратли давлат учун ҳарбий мудофаа қалқонимиз бўлиши, ички ишлар тизимининг хушёрлиги эса тинч ухлашимиз гарови бўлмоғи лозим... Тадбирда бундай хотиралар ҳам эсга олинди. Ажойиб куй-қўшиқлар янграб, кайфиятлар чоғ этилди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.



ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИ ҲАҚИДА ҲАМДА АЖРАТИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Бугунги кунда банк томонидан аҳолининг уй-жой харид қилиш билан боғлиқ эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ипотека кредитлари 3 та йўналишда, хусусан:

- янги тартиб асосида бирламчи уй-жой бозорида кватирани харид қилиш учун;
- аҳоли шахсий ер участкасида уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун;
- намунавий лойиҳалар асосида қуриладиган арзон уй-жойлар учун ажратилмоқда.

Ҳозирда биринчи йўналишда ипотека кредитлари доирасида "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларида янги тартиб доирасида қурилган, фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисида комиссия далолатномаси асосида мулк ҳуқуқи юзага келган ҳамда қабул қилиб олинганга уч йилдан кўп бўлмаган, янги қурилган 4 ва ундан юқори қаватли уй-жойлар ёки ундаги кватираларни харид қилиш учун кредит шартномалари тузилмоқда. Мазкур ипотека кредитлари бозор ставкалари асосида 20 йил муддатга, бошланғич бадал сотиб олинган кватирани қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда тақлим этилмоқда.

Ипотека кредитлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 327 млн. 250 минг сўмдан ҳамда Тошкент шаҳрида 416 млн. 500 минг сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда ажратилади.

Шунингдек, матбуот анжуманида янги тартиб доирасида субсидия тўловларини амалга ошириш механизмлари ва шартлари буйича ҳам батафсил маълумот берилди. Янги тартиб доирасида 2020-2021 йилларда ва жорий йилнинг ўтган 7 ойида банк томонидан 2 трлн. 589 млрд. 802 млн. 800 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Шундан, жорий йил бошидан ажратилган кредитлар миқдори 1 трлн. 31 млрд. 338.7 млн. сўмни ташкил қилди.

Банк томонидан ажратилаётган ипотека кредитларининг яна бир йўналиши, аҳолининг шахсий ер участкасида уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун мўлжалланган кредитлардир.

Ушбу кредит тури Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, аҳоли шахсий ер участкасида уй-жой қуриш ва қайта қуриш учун 20 йилгача, миқдор истагидан келиб чиқиб 6 ойгача имтиёзли давр билан ажратилади. Кредит фоизи бозор ставкалари асосида ўрнатилади, бошланғич бадал миқдори лойиҳа-смета қийматининг 15 фоизидан кам бўлмаслиги талаб этилади. Мазкур йўналишда 2020-2021 йилларда ва 2022 йилнинг ўтган 7 ойида банк томонидан 127 млрд. 116 млн. 350 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилди. Шундан, жорий йил бошидан ажратилган кредитлар миқдори 113 млрд. 100 млн. сўмни ташкил қилди.

Учинчи йўналиш бу "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК иштирокида арзон уй-жойлар қурилиши учун ажратилаётган ипотека кредитларидир. Бундай кредитлар 1 йиллик имтиёзли давр билан 20 йилгача муддатга берилади. Кредит фоиз ставкаси дастлабки 5 йилда 7 фоиздан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси даражасигача бир меъёрга ошиб борадиган ставкада ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси миқдоридан берилади.

Ушбу кредитларни олиш учун миқдор тегшли тавсияномага эга бўлиши ҳамда "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК билан уй-жой олиш юзасидан тегшли шартнома расмийлаштириши талаб этилади.

Қайд этилдики, банк томонидан "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК иштирокида 2009-2022 йиллар давомида 8 трлн. 820 млрд. 251 млн. 820 минг сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Жорий йил бошидан бу кўрсаткич 181 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, журналистларга ипотека бозоридagi муҳим ўзгаришлар тўғрисида ҳам маълумот берилди. Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда кватирани майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилингани қайд этилди. Таъкидландики, сотиб олинган кватирани қайта қуриш, қиймати ва майдонидан қатъий назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар 32 млн. сўм этиб, қатъий белгиланган.

Этиборли жиҳати, субсидия буйича аризалар йилнинг исталган пайтида берилиши мумкин ва субсидия хабарномалари берилган пайдан бошлаб, бир йил давомида амал қилади.

Тадбирда шунингдек, давлат дастурлари доирасида 2021 йил ва жорий йил бошидан буён ажратилган ипотека кредитлари миқдори ҳам очикланди. Бу мақсадларда 2021 йилда жами 2 трлн. 67 млрд. 494 млн. сўмлик ҳамда жорий йил 1 август ҳолатига 1 трлн. 421 млрд. 499 млн. 900 минг сўмлик ипотека кредитлари ажратилган. Умуман, жорий йил январь-июль ойларида 10 341 та жисмоний шахсга ипотека кредитлари берилди.

Шу билан бирга, журналистларга ипотека йўналишида йил охиригача белгиланган режалар буйича ҳам маълумот берилди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар берилди ва улар АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" фаолиятининг келгусидаги устувор йўналишлари буйича маълумотга эга бўлдилар.

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк"
ахборот хизмати




Ўзбеклар билан яшаб, турмуш тарзини ўрганди. Кейин улар ўз ёнларидан шу ерда япон тили мактабини очиб беришди. Анча қийин бўлган бу тилни ўрганишга киришган риштонликларнинг болалари уч турга бўлиниб ўрганилади-



Кутлов

Президентимизнинг "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан пахта буйича давлат буюртмаси бекор қилиниб, амалий ҳаракатларга кенг йўл очилди. Жорий йилнинг 27 июль кунини давлатимиз раҳбари томонидан пахтачиликдаги долзарб вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган йилги ҳудудларда ёзу парваршидаги хато ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, сўнгги кунларда кузатилаётган аномал иссиқ ҳароратининг ёзуга салбий таъсирини юмшатиш, яратилган ҳосилни сақлаб қолиш мақсадида ҳосилга ҳосил қўйиш "Зарбдор 30 кунлик" эълон қилинди.

Мамлакатимизда пахта хомашёсини етиштириш, харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда фермер хўжаликлари манфаатдорлигини оширишнинг янги механизмлари белгилаб берилди. Жорий этилаётган замонавий механизмлар аграр соҳадаги унумдорлик, демакки, манфаатдорлик, тармоқда меҳнат қиладиган миллионлаб инсонларнинг турмушига фаровонлик олиб кираётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.



Фуртадан фойдаланиб, кўп тармоқли фермер хўжалигимиз аъзолари номидан тинчликсевар, меҳнаткаш халқимизни Мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами билан қизгин муборакбод этман. Ҳамиша халқимиз фаровон, дастурхони тўкин бўлсин!

Шухрат ҲАБОЕВ,
"Уста Матсафо" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари, "Шухрат" медали ҳамда "Илгор фермер" кўкрак нишони соҳиби.

Истиқлол айёми муборак бўлсин!



*Мустақиллигимиз
абадий бўлсин!*

“САМАРҚАНД ДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

ватандошларимизни, шу жумладан, донни қайта ишлаш саноати тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларини

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этади ва барча эзгу тилакларини йўллайди.

Бугунги замон шиддатига ҳамоҳанг тараққиёт уфқлари сари дадил одимлаётган Янги Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асраш, Мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Шундай экан, барчамиз ҳамжиҳат бўлиб, олдинга ва фақат олдинга интилаверамиз. Илоҳим, бу йўлда ташлаган ҳар бир қадамимиз қутлуғ бўлаверсин!



Мухтарам юртошлар!

“ҚЎҚОНДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Сизларни Ўзбекистон Республикаси
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ

байрами билан самимий қутлайди ва барчангизга тани сиҳатлик, хотиржамлик, меҳнат фаолиятингизда янги-янги зафарлар тилайди. Илоҳим, тинч, осуда ҳаётимизга, мусоффо тонглримизга кўз тегмасин. Меҳнатсевар, меҳмондўст, танти халқимиз доимо омон бўлсин!








**Ўзбекистон Республикаси
Транспорт вазирлиги
ҳузуридаги автомобиль
йўллари қўмитаси таркибидаги**

“АВТОМАГИСТРАЛЬ” ИЙЎҚТБ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни
МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ
билан табриклайди.

Барчага омад, бахт, тинчлик,
хотиржамлик тилайди. Байрам ҳар
бир хонадонга файзу барака, қувончу
шодлик олиб келсин, юртимизда ҳукм
сураётган тинчлик ва осойишталик
хамиша барқарор бўлсин!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН ШОД КЎНГИЛДАР

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бошқаруви, “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан соғлиғига муаммоси бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож, “Темир дафтар” рўйхатига киритилган 200 нафар фуқарога профилактика муассасаларида даволаниши учун 912 миллион сўмдан ортиқ маблағ ўтказиб берилди.

— Тизза бўғими билан боғлиқ касаллик кўпдан буён қийнаб келарди, — дейди Гулистон тумани “Мустақиллик” маҳалласида яшовчи Қурбонали Каримбоев. — Халқ депутатлари туман Кенгаши аъзолари ҳамда фонднинг туман бўлини маси ходимлари кўмаги билан узок йиллик дарддан халос бўлдим. Профилактика муассасасида даволашим, оёғимда юқори технологик жарроҳлик амалиётини ўтказиш учун фонднинг “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 22 миллион 500 минг сўм пул маблағи ажратил-

ди. Энди аҳволим яхши.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бошқарувида ярим йиллик яқунларига бағишлаб кенгайтирилган йиғилиш ўтказилди. Унда ижтимоий аҳволи оғир, меҳнатга лаёқатли, аммо ишсиз фуқароларнинг соғлигини тиклаш, фавқулодда ҳодисалар туфайли уйсиз қолиб кетган оилалар муаммосини бартараф этиш, ёрдам кўрсатиш ишлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Президентимизнинг 2020 йил 30 октябрдаги “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш

ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида ўтказилган “Спортчилар оиласи”, “Моҳир хужумчи”, “Арқон тортиш”, “Ким эчил”, “Шахмат ва шашка”, “Стол тенниси”, “Бадминтон”, “Волейбол” каби спорт-соғломлаштириш тадбирларидан эришилган натижалар таҳлил қилинди.

Спорт-соғломлаштириш тадбирлари кўламини кенгайтириш масаласи қўриб чиқилди.

Шухрат СУЯРОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ.

Эълон

“ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Савдога “Ўзгидроэнергоқурилиш” АЖнинг 2022 йил 15 августдаги №01-11/1163 сонли хатига асосан, Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчаси 39-А уй манзилида сақланаётган “Ўзгидроэнергоқурилиш” АЖнинг тасарруфида бўлган «ENERGOISSIQLIKMONTAJ» УК баҳолаш хулосасига асосан (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), Мулкий мажмуа асосий воситалар (автотранспорт воситалари ва бошқа кўчар мулклар), товар моддий бойликлар, дебиторлик қарзлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхоналарнинг кредитор қарзлари, солиқ ва мажбурий тўловлар буйича ва ҳисобланган пенялардан қарздорлик, иш ҳақи буйича қарздорлик бошқа кредитор қарзлар, келажакда ҳисобланадиган пенялар(кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), (қарздорлик ҳозирда (2 000 000 000) икки миллиард сўми ташкил этади), бошланғич баҳоси – 264 527 774,55 сўм аукционга қўйилмоқда. (-5% туширилди)

Такрорий аукцион савдолари 2022 йил 7 сентябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати: бир

кун аввал соат 16:00. 2022 йил 7 сентябрь куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 14, 21 сентябрь кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: бир кун аввал да тўхтатилади. Савдо голибига 10 банк куни ичда сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидор “ENERGOISSIQLIKMONTAJ” УК активлари билан бирга, унинг барча жорий мажбуриятларини ҳамда кейинчалик вужудга келиши мумкин бўлган тўловлар, шу жумладан, коммунал ва солиқлар буйича ҳисобланадиган пеня ва бошқа тўловларни зиммасига тўлиқ олиш мажбурияти юклатилади (огоҳлантириш). Ғолиб харидор мулкий мажмуани (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), сотилиш баҳосидан 3% савдо ташкилотчисига тўлаб беради.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини АЖ “Капитал-банк” ҳисоб-рақамга: 20208000405363013002, МФО:01136, ИНН:308305364 га ўтказиши керак. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси 32-уй. Телефон: 71 233-28-52. 90 358-38-07 90 971-200-00. Гувоҳнома 965941.

1992 йил 28 декабрда Алиева Сарья Казимухамедова номига берилган 08-02/5472 сонли уй жойининг шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи давлат далолатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“SEMURG SUG'URTA” АЖ ҚҚ сугурта компанияси Ихтиёрий сугурталаш департаментига тегишли СИ №0000552, СИ №0000570, СИ N90017645 серияли жами 3 донга А4 форматдаги универсал сугурта полис бланка йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Мотуридия таълимоти илмийликдан бадий саҳнага олиб чиққан асар



Истеъдодли адиб Луқмон БЎРИХОНнинг яқинда нашрдан чиққан "ИМОМ МОТУРИДИЙ" романи шу кунларда китобхонлар, олимлар ва жамоатчиликнинг эътиборини қозонган асарлар сафига қўшилди. Асарга сўзбоши ёзган адабиётшунос олим, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Ғафуровнинг қайд қилишича, IX-X асрлар ислом таълимоти, илм-фани, маданияти, тафаккури, фалсафаси гуллаб-яшнаган давр бўлган. Лекин мана шу замонда ислом қоидаларини ҳаётга олиб кириб қўллаш борасида жуда қизғин курашлар олиб борилган.

"ИМОМ МОТУРИДИЙ" РОМАНИ ҲАҚИДА

Турли хил фирқалар, маъҳаблар майдонга чиқиб ҳатто улар ҳукмдорларни ҳам ўз йўлига оғдиришга ҳаракат қилганлар. Ана шундай мураккаб даврда яшаган юртдошимиз Имом Мотуридий чуқур илмий таҳлиллар асосида одамларга тўғри йўл кўрсата олган.

Абу Мансур Мотуридий илгари сурган ғоялар мана неча асрлардан буён мусулмон оламида маёқ бўлиб, одамларнинг тўғри йўлни англаб олишига хизмат қилиб келмоқда. Афсуски, атеистик сиёсат юқори ўрин эгаллаган даврда буюк алломанинг асарлари ўрганилмади ва бу таълимот тақиқлаб қўйилди. Шунинг учун ҳам эндиликда мотуридия таълимотини англаб етишимизда қийинчиликлар туғилмоқда.

Мен Имом Мотуридий тўғрисида бундан йигирма йиллар илгари эшитган эдим. Тошкентда, Убайдулла Уватовни зиёрат қилиш учун кирганимда олимнинг столи устида рус тилида босмадан чиққан каттагина китобга кўзим тушди. Ўқиб қарасам, Темирийлар даврида мотуридия таълимоти ҳақидаги китоб экан. Немис тилидан рус тилига таржима қилинган бу китоб Олмата шаҳрида нашр қилинибди.

— Убайдулла ака, мен Самарқандда ўқиб юрган кезларимда курсдошларимдан бирининг яшаш жойи Мотур деб аталарди, мабодо мотуридий таълимоти шу жой билан боғлиқ эмасми?

— Худди шундай, — домлажон, дедилар Убайдулла ака қулиб. — Айнан бу аллома

курсдошингиз яшаган қишлоқда туғилиб, ўсганлар.

— У киши тўғрисида немис олими шундай катта китоб ёзибдику, биз эса аллома ҳақида ҳеч нимани билмасак.

— Ҳа, — дедилар Убайдулла ака бошини чайқаб, бизнинг аجدдоларимиз шунчалик бой мерос қолдириб кетишганларки, уларни бутун дунё олимлари ўрганишса ҳам етиб ортади. Жамиятимизда сўнгги йилларда рўй берган маънавий қашшоқликнинг ўрнини тўлдиришда мотуридия таълимотига эҳтиёж сезилди. Исломшунос олимлар Самарқанддан чиққан Имом Мотуридийдай буюк аллома ва у киши яратган таълимотниг йирик тарихотчиси Абу Муин Насафий асарларини ўрганишга ва халққа етказишга киришдилар. Эндиликда улар яратган асарлар тилимизга таржима қилинмоқда ва ўрганилмоқда.

Мотуридия таълимотини илмийликдан бадий саҳнага олиб чиқиш ва унинг мазмунини кенг оммага тушунтиришда Луқмон Бўрихоннинг "Имом Мотуридий" романи катта рол ўйнаши табиий.

Асарда мантиқ илми ҳақида баҳс боради. Уша давр файласуфлари, мутаазиллар бу илмга юқори баҳо берадилар, мантиқни ҳақиқатни аниқлашдаги тўғри йўл деб ҳисоблайдилар. Имом Мотуридий эса мантиқнинг гумонга асосланган томонларини яққол далиллар билан исботлаб беради. Улуғ олимларнинг оилавий ҳаёти жуда мураккаб бўлиши тўғрисида китоб

ларда кўплаб мисоллар баён этилган. Имом Мотуридийнинг турмуши ҳам бундан мустасно эмас. Аммо Луқмон Бўрихон романда алломанинг оилавий ҳаётини жуда ёрқин тасвирлайди. Эр-хотиннинг ўзаро видолашув жараёни қанчалик таъсирли ва ўқувчида ҳис-ҳаяжон уйғотадиган саҳна. Бутун умр эридан талаб қилган нарсаларини ололмаган аёлнинг икромлиги, ўз эридан уэр сўраши жуда таъсирли чиққан. "Дуо қилгайсиз, илтижо этгайсиз, жаннатларда бирга бўлай деб", дея сўнгги ўтинчини айтади аёл. Шунда ҳам аллома ўз ғояларидан четга чиқа олмай жавоб беради: "Мен... ахир андоғ кўп нарса сўрай олмамен".

Кўплаб ўқиган асарларимизда салбий образ ҳисобланган кишилар фақатгина қора бўёқларда тасвирланадилар. "Имом Мотуридий" романида эса Восик ибн Қосим Лабийи жуда кўп илм эгаллаган олим, ҳар қандай баҳсларда ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган аллома сифатида гавдаланади. Бу икки олим ўртасидаги баҳс асарнинг янада ўқимишлигини оширади.

Ушбу роман ислом таълимоти ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлмаганимиз ҳозирги давр учун энг зарур ва фойдали асар сифатида дунёга келибди. Уни яратиш учун заҳмат чеккан ёзувчимиз, у кишига маслаҳат берган олимларни катта ютуқлари билан қутлаймиз.

Хусниддин НУРИДДИНОВ



СИРДАРЁ – СЎХ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

бунёдкор халқимизни, тизимда меҳнат қилаётган барча ҳамкасбларини Ватанимиз Мустақиллигининг 31 йиллик шодиёнаси билан самимий қутлайди ҳамда оилаларига қут-барака тилайди. Жаннатмонанд юртимиз ҳамиша тинч, аҳилу иноқ халқимиз омон бўлсин! Байрамлар байрамларга, тўйлар тўйларга уланиб, қалбларимизни шоду хуррамлик асло тарк этмасин!



ЗАРАФШОН МАГИСТРАЛ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

азиз юртдошларимизни энг улду, энг азиз байрам – МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ билан чин гулдан муборакбод этади. Мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш, юртимизни янада обод этиш ишларида ўзларининг бор куч-заиратлари, билим ва тажрибаларини бахшига этаётган барча ватандошларимизга суҳат-саломатлик, ишларига улкан муваффақиятлар тилайди.

SAMARQAND



"Ўзсувқурилиш" АЖ таркибидаги "БЎКАМАХСУССУВПУҚРАТ" МЧЖ ЖАМОАСИ

барча юртдошларимизни, шу жумладан, Сув хўжалиги вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган ҳамкасбларини Истиқлолимизнинг 31 йиллик байрами билан чин қалбдан муборакбод этади.

Ушбу шодиёна асрий орзулар рўёбга чиққани, давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тан олинди, эътироф этилгани билан янада қадрлидир. Аҳил жамоамиз ҳам байрамни кўтаринки кайфиятда, меҳнатдаги муносиб натижалар ила қарши олмақдалар. Иил бошида ўтказилган тендер савдоларида иштирок этиб, 8 миллиард 700 миллион сўмлик ирригация ва мелиорация объектларини ютиб олган жамиятимиз аъзолари барча лойиҳаларни ўз муддатида амалга ошириш бўйича чинаккамига меҳнат қилмоқдалар. Белгиланган лойиҳалар ижросини сифатли ва тезкор таъминлашда жамоамизнинг бир қатор жонкуяр ходимлари номларини мамнуният билан тилга оламиз. Улар участка бошлиқлари Сиддиқ Холбоев, Олим Анорқулов, Зариф Каримов, бош ҳисобчи Шуҳрат Холматов ва унинг ёрдамчиси Машкура Боирова, бош мутахассис Адҳам Жоналиев, кадрлар бўлими раҳбари Ҳулқар Умрзоқова, таъминотчи Шароф Суннатиллаев, бош муҳандис Шуҳрат Раҳимбоев, тажрибали экскаваторчилар Низом Холбоев, Илҳом Қодиров, Назир Ҳотамов, Собир Бекназаров ҳамда Ботир Усмоновлардир. Улар жамоамизда ҳалол меҳнатлари билан чуқур ҳурмат ва эътибор топган кишилардир. Янги Ўзбекистонимизда бошланаётган тантаналар барчамизга хуш кайфият бахш этсин. Дастурхонларимиз тўкин, хонадонларимиз файзли, тинчлигимиз абадий бўлсин!

Байрам муборак, азиз юртдошлар!